



220200 Богот маҳалласи, Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Тел: 31-52-807, факс: 31-52-425

2020 йил «24» Март

№ 636 а

Богот маҳалласи

Фуқаро Худайбергана Дилфуза Жумабоевна вояга етмаган турмуш ўртоғининг олдинги турмушидан бўлган 2011 йил 29 августда туғилган Жумабоев Рўзбой Улуғбек ўғлига нисбатан васий этиб тайинлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 10, 42 моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 9, 63, 66 ва 67-бандларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” комиссиясининг 2020 йил 24 мартдаги хулосаси инобатга олинсин.
2. Богот туман “Маънавият” маҳалласида яшовчи фуқаро 1993 йил 6 августда туғилган Худайбергана Дилфуза Жумабоевна вояга етмаган турмуш ўртоғининг олдинги турмушидан бўлган 2011 йил 29 августда туғилган Жумабоев Рўзбой Улуғбек ўғлига нисбатан васий этиб тайинлансин.
3. Туман халқ таълими бўлими мудири Т.Мирзаевга:
 - мазкур қарорни бир кун муддатда аризагўйга (тайинланган васий) юбориш таъминлансин.
 - васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.
 - васийликка олинаётган шахс ҳақидаги тўлиқ маълумотлар белгиланган муддатда давлат реестрига киритиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилсин.
4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими

О. Холбоев